

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА «ЧИРЧИҚ» КИМЁ-ИНДУСТРИАЛ ТЕХНОПАРКИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮҒРИСИДА**

Тошкент вилоятида қулай ишбилармонлик ва инвестиция мұхитини яратиш, минерал хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чыкариш учун юқори технологияли ва замонавий объектларни ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш мақсадида:

1. Куйидагилар:

Тошкент вилояти ҳокимлиги, «Ўзқимёсаноат» АЖ ва Татаристон Республикаси Президенти маъмурияти билан ижтимоий-иктисодий соҳадаги муносабатларни чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор келишувларга, жумладан «Химград» АЖ (Татаристон Республикаси) билан ҳамкорликда Тошкент вилоятида «Чирчик» кимё-индустриал технопаркини (кейинги ўринларда — Технопарк) ташкил этиш ҳақида келишувга эришилганлиги;

«Ўзқимёсаноат» АЖнинг бошқарув органи қарорига асосан ушбу жамият таъсисчилигига масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Чирчик» кимё-индустриал технопарки дирекцияси (кейинги ўринларда — Дирекция) ташкил қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тошкент вилояти ҳокимлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иктисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, «Олмалиқ КМК» АЖ ва «Ўзқимёсаноат» АЖнинг:

а) Технопаркни Тошкент вилояти Чирчик шаҳридаги «Олмалиқ КМК» АЖнинг Нодир металлар ва қаттиқ қотишмалар ишлаб чыкариш бўйича илмий-ишлаб чыкариш бирлашмаси ҳудудининг ҳамда «Максам-Чирчик» АЖнинг 51-сон металли натрий ишлаб чыкариш цехининг жами 31,24 гектар майдонида ташкил этиш;

б) «Ўзқимёсаноат» АЖнинг устав капиталидаги давлат улушини ошириш ҳисобига куйидагиларни:

**1-иловада** келтирилган «Олмалиқ КМК» АЖнинг Нодир металлар ва қаттиқ қотишмалар ишлаб чыкариш бўйича илмий-ишлаб чыкариш бирлашмасидаги 89 378,0 кв. метр бино-иншоотларни ва улар жойлашган 25,66 гектар ер майдонларини «Олмалиқ КМК» АЖнинг устав капиталидаги давлат улушини мос равишда камайтириш ҳисобига қолдиқ (баланс) қийматида;

**2-иловада** келтирилган «Максам-Чирчик» АЖнинг 51-сон металли натрий ишлаб чыкариш цехининг 22 923,7 кв. метр бино-иншоотларини ва улар жойлашган 5,58 гектар ер майдонларини қолдиқ (баланс) қийматида «Ўзқимёсаноат» АЖга бериш;

в) «Ўзқимёсаноат» АЖга ўтказиб берилган бино-иншоотларни улар жойлашган ер майдонлари билан бирга «Ўзқимёсаноат» АЖнинг Дирекция устав капиталидаги улуши сифатида шакллантиришга йўналтириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Белгилансинки, ушбу банд билан ўтказилаётган мулқ, мулкий ҳуқуқлар, жумладан устав капиталидаги акциялар ва улушлар қиймати солиқ солиш обьекти ҳисобланмайди.

3. Технопарк фаолиятининг асосий йўналишлари этиб куйидагилар белгилансин:

юқори қийматга эга бўлган, ташқи бозорда харидоргир ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чыкаришни ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни кенг жалб қилиш;

халқаро стандартларга мувофиқ энергия тежамкор, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашга қаратилган ва экологик хавфсиз ишлаб чыкариш қувватларини барпо этиш;

Тошкент вилоятининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланишни таъминлаш орқали маҳсулот экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида ҳудудда ишлаб чиқаришни кенгайтириш;

Технопарк иштирокчилари ўртасида ва бутун республика миқёсида мустаҳкам саноат кооперацияси алоқаларини ўрнатиш орқали маҳаллий хом ашё ва материаллар асосида юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва маҳаллийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш;

Технопарк иштирокчилари учун ягона ишлаб чиқариш инфратузилмасини, шунингдек сертификатлаш, лаборатория, кадрлар тайёрлаш ва бошқа зарур хизматларни кўрсатиш инфратузилмасини яратиш.

#### 4. Белгилаб қўйилсинки:

Технопаркнинг фаолият қўрсатиш муддати кейинчалик узайтириш имконияти билан 30 йилни ташкил этади;

Технопаркнинг инвестиция фаолияти Дирекция ва «Химград» АЖ (Татаристон Республикаси) муассислигидаги масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этиладиган Технопарк бошқарув компанияси (кейинги ўринларда — бошқарув компанияси) томонидан шартнома асосида бошқарилади;

Технопарк ҳудудида бино ва иншоатларни ҳамда улар жойлашган майдонларни ижарага бериш, сотиш, лизингга бериш ёки қийматини бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари асосида сотиш бўйича танлов асосида таклифлар тайёрлаш бошқарув компанияси томонидан, шунингдек, Технопарк ҳудудида қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари Дирекция томонидан амалга оширилади;

Технопаркнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, унинг ҳудудини кенгайтириш, инвестиция лойиҳаларини саралаб олиш ва жойлаштириш, бошқарув компаниясининг таклифлари бўйича қарорлар қабул қилиш [3-иловада](#) келтирилган таркибдаги Технопаркнинг маъмурий кенгаши томонидан амалга оширилади;

Дирекция ва Технопарк иштирокчилари томонидан ўз маблағлари ҳисобига қурилган бино ва иншоатларга (ёки уларнинг қисмларига) мулк ҳукуқи ўрнатилган тартибда расмийлаштириллади;

Технопарк ҳудудида маҳсус иқтисодий зоналар учун белгиланган алоҳида солиқ, божхона ва валюта тартиботлари амал қиласди. Бунда, Ўзбекистон Республикаси Солиқ [кодекси](#) ва Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги [Қонунида](#) белгиланган солиқ имтиёзлари, шунингдек, божхона тўловлари бўйича имтиёзлар Технопарк иштирокчилари, Дирекция ва бошқарув компанияси томонидан киритилган инвестициялар ҳажмидан қатъи назар 10 йил муддатга берилади.

5. Технопарк ҳудудида ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолиятнинг барча йўналишларида инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш бўйича таклиф тайёрлаш ҳамда инвестиция буюртманомасини ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни кўриб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш бошқарув компанияси томонидан мустақил равишда қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади. Бунда:

а) иштирокчилар ёки уларнинг таъсисчилари инвестиция буюртмасини тақдим этиш кунига қадар камида уч йил тадбиркорлик фаолиятини юритган бўлиши лозим;

б) таклиф этилаётган лойиҳалар қуйидаги асосий мезонларга мувофиқ бўлиши лозим:  
молиялаштириш манбаларининг мавжудлиги;

архитектура ва қурилиш, техник жиҳатдан тартибга солиш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда саноат хавфсизлиги соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлиги.

6. Технопарк ҳудудида қурилиш-монтаж ишларини қисқа муддатларда якунлаш мақсадида Дирекцияга 2022 йил 1 ноябрга қадар қурилиш-монтаж ишларини «fast-track» услугида (бир вақтнинг ўзида лойиҳалаш, харид қилиш ва қуриш), фойдаланишга «тайёр ҳолда топшириш» (Engineering Procurement Construction) шарти асосида ва пурратчиларга

лойиҳаларни сифатли амалга ошириш бўйича тўлиқ жавобгарликни юклаган ҳолда амалга оширишга рухсат берилсин.

Бунда, бош пудрат шартномасини имзолашда унинг қиймати объект қийматининг дастлабки ҳисоб-китоби бўйича белгиланади, якуний нархи қурилиш-монтаж ишларининг ҳақиқий қиймати белгиланган тартибда экспертизадан ва амалда бажарилган ишлар ҳажми назорат ўлчовидан ўтказилгандан сўнг аниқланади.

7. Белгилаб кўйилсинки, Технопаркнинг ташқи муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини барпо этиш ишлари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари, Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурида назарда тутилган маблағлар ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўзқимёсаноат» АЖ Технопаркнинг ташқи муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини барпо этиш ишлари 2022 йилда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда маҳсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш дастурлари доирасида ажратилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилишини таъминласин.

8. «Ўзқимёсаноат» АЖ, Тошкент вилояти ҳокимлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда Технопарк бош режаси белгиланган тартибда ишлаб чиқилишини ва тасдиқланишини таъминласин.

9. Технопарк бош режасини тузишда, унинг ҳудудида лойиҳалаштириш, таъмирлаш ва қурилиш, жумладан ички муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини барпо этиш ишларини амалга оширишда қуидагилар:

Дирекция — буюртмачи;

«Ўзқимёсаноатложиҳа» АЖ — бош лойиҳа ташкилоти;

«Юксак Парвоз Қурилиш» МЧЖ — бош пудрат ташкилоти;

«Ўзқимёсаноат» АЖ ва унинг тизимидағи корхоналар маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

Бунда, «Ўзқимёсаноат» АЖнинг:

демонтаж, реконструкция ва қурилиш ишларини Технопарк фойдаланишга топширилгунга қадар молиялаштиришни 2022 — 2025 йилларда «Ўзқимёсаноат» АЖ таркибидаги ташкилотлар томонидан йил яқунлари бўйича уларнинг устав капиталидаги «Ўзқимёсаноат» АЖ улушига ҳисобланадиган дивиденdlар («Ўзқимёсаноат» АЖ соғ фойдасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда) ҳамда Кимё саноатини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга ошириш;

келгусида ушбу харажатларни «Ўзқимёсаноат» АЖ устав капиталидаги давлат улушкини қўшимча акцияларни жойлаштириш орқали ошириш ҳисобига Дирекция устав жамғармасидаги «Ўзқимёсаноат» АЖ улуши сифатида капитализация қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Технопарк иштирокчиларига Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куватлаш давлат жамғармаси томонидан қуидагилар тақдим этилади:

инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида, шу жумладан айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган банк кредитлари суммасининг 50 фоизигача, бироқ 8 миллиард сўмдан кўп бўлмаган миқдорда кафилликлар;

инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун миллий валютадаги кредитлар бўйича — Марказий банкнинг асосий ставкасидан ошадиган, бироқ 5 фоиз пунктидан кўп бўлмаган миқдорда компенсациялар.